

100 дан зиёд янги йўл техникалари харид қилинди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида соҳага оид кўплаб вазифалар қатори кўмита таркибидаги корхоналарни йўл-таъмирлаш техникаси, моддий-хомашё ресурслари билан етарли даражада таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Дарҳақиқат, замонавий транспорт оқими шароитида автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларидаги ўсиб бораётган талаб – жорий қувватларни ошириш ҳамда кўмита таркибидаги корхона ва ташкилотлар моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш масалаларини – ягона технологик талаблар асосида, комплекс ҳал этилишини тақозо этарди. Жорий талаблар инobatга олинган ҳолда, 2017-2018 йиллар мобайнида 223 дона янги – йўл таъмири ва қурилишида ишлатиладиган техникаларни харид қилиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши қабул қилинди.



Йўл таъмири ва қурилиши бўйича ягона техник сиёсатни олиб бориш мақсадида йўл хўжалиги техникаларини марказлаштирилган тарзда Хитойнинг – Ўзбекистондаги

"UzXCMG" қўшма корхонаси ҳаммуассиси ҳисобланган – "Xuzhou Construction Machinery Group Co Ltd." компанияси билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилинмоқда. Бу эса Республикадаги йўл хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланиладиган техникаларнинг таъмирида юзага келадиган ортиқча харажатларни қисқартириш имконини ҳам беради.





Бугунги кунда йўл қурилиши ва таъмирида ишлатиладиган 100 дан ортиқ техникалар харид қилинди. Улар орасида қуйидагиларни санаш мумкин:

- хар хил русумдаги зичлагичлар;
- турли русумдаги йўл фрезалари;
- автогрейдерлар;
- асфальт ётқизгичлар;
- асфальт-бетон ишлаб чиқариш заводлари;
- замонавий экскаваторлар.



Айни пайтда мазкур техникалар Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибидаги "Автойўлтаъминот" унитар корхонаси томонидан олиб келиниб, Республикадаги янги ташкил этилган, йўл қурилишига ихтисослаштирилган корхоналарга тарқатилмоқда. 2018 йилнинг 1-ярми давомида яна шунча техника олиб келинади.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати